

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТДА ҚАТНАШИШ ШАКЛЛАРИ

Салимов Н.Б.

*ТДИУ, Тармоқлар иқтисодиёти
кафедраси магистранти*

Аннотация: Янги Ўзбекистонни барпо этишининг кичик ва ўрта бизнес билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинган ва ушбу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ стратегик йўналишлар асосланган.

Калит сўзлар: кичик ва ўрта бизнес, хусусий мулк, шартнома, трансакция харажатлари, халқ фаровонлиги.

Annotation: The aspects of building a new Uzbekistan related to small and middle business are analyzed and strategic directions for the development of this sector are based.

Keywords: small and middle business, private property, contract, transaction costs, welfare of the people.

Миллий ва ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланишида кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ) инновацион ривожланишида кичик инновацион корхоналар муҳим ўрин тутди. Улар янги илмий-техник инновацияларни ишлаб чиқиш, янги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш билан ажралиб туради. Инновацион корхоналар йирик саноат корхоналари билан илмий-тадқиқот институтларини бир-бири билан боғловчи бўғин ҳисобланади.

КУБ корхоналарининг заиф томони уларнинг молиявий имкониятлари йирик бизнесга нисбатан чекланганлиги. Янгиликни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш ва натижани тижоратлаштириш босқичларини молиявий таъминлаш катта маблағ талаб қилади. Шу сабабли КЎБ кўп ҳолларда илмий тадқиқот институтлари, университетлар, бизнес инкубаторлар, технопарклар ва бошқа илмий-техник марказлар билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қилади.

Корхоналарнинг инновацион имкониятлари қуйидагилар билан тавсифланади:

- корхонанинг ривожланганлик даражаси, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, креативлик, инновацион маданият;
- бошқарув тизими сифати: ишлаб чиқаришни ташкил этиш, персонални бошқариш, бошқа корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар билан алоқа ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий ҳолати ва имконият (инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларини баҳолаш);
- истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш;
- инновацион жараённинг барча босқичларини бир киши томонидан бошқариш инновацион жараённинг тезлашувига олиб келиши;
- ишлаб чиқаришнинг капитал сифими паст бўлиши.

КУБнинг инновацион фаолиятини амалга оширишда бизнес-инкубаторлар муҳим ўрин тутди. Бизнес-инкубаторлар ихтисослашган инфратузилма шаклларида бири бўлиб, бизнес маркази, фондлар, ўқув маркази ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда КУБни кўллаб-қувватлаши мумкин. Бизнес-инкубаторнинг асосий вазифаси КУБни муваффақиятли ривожлантириш орқали уни мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

Бизнес-инкубаторларни шакллантиришда қўйиладиган мақсадлар ҳар хил бўлиши мумкин:

- КУБ инновацион фаолиятини фаоллаштириш;
- КУБ барқарорлиги, рақобатдошлигини ошириш;
- КУБ субъектлар сонини ошириш;
- КУБ самарали ривожланиш тажрибасини оммалаштириш;
- янги иш ўринлари ва янги ишлаб чиқаришларни яратиш;
- ўз фаолиятини бошлайдиган КУБга технологик ва иқтисодий-ҳуқуқий ёрдам бериш;
- бино ажратиш, бошқарувни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқишга ёрдам;
- маркетинг изланишларга ёрдам кўрсатиш;
- лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлигини асослаш ва ҳоказо.

КУБни инновацион ривожлантиришда кластерлар муҳим ўрин тутди. Кластерлар тармоқлар иқтисодиётининг самарали ривожланишини таъминлайди, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, инновацион фаолликни оширишга олиб келади, ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга, корхоналар ўртасида кооперация ва ихтисослашувнинг кучайишига замин яратади. Кластерлар кластер субъектларига синергетик самара олишини таъминлайди.

Инновацион кластерни бир нечта саноат корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари, КУБ вакиллари, давлат ҳокимияти органлари ва ўқув муассасаларининг ноформал бирлашуви деб қараш мумкин. Инновацион кластерлар илмий янгиликлар, янги билимлар ва ихтиролар трансферини тезлаштиради ва булар кейинчалик инновацияга айланади.

Ўзбекистон шароитида кичик саноат зоналари (КЗС)ни ташкил этишда кластердан фойдаланиш КУБни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. КЗС таркибидаги инновацион марказнинг ташкил этилиши КЗСни илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа инновацион корхоналар билан ҳамкорликда инновацион жараёнларни амалга оширишни, янги технология ва ускуналардан фойдаланиш, имитацион инновация ва янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутди.

Республикамизда саноат соҳасида КУБни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳисобланади. КСЗ давлат

мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизида ва қишлоқ хўжалигига яроқсиз бўлган ерларда яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

КСЗларини кластер асосида ривожлантириш муҳим аҳамият кас этади. Хом ашёдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишгача бўлган жараёнларни амалга оширадиган корхоналарни компакт бир ҳудудда яни КСЗда жойлашиши харажатларни камайишига, инновацион жараёнларни ривожлантиришга замин яратади ва синергетик самара олишга имкон яратади. Илмий адабиётларда кластерни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларига жуда кўп ёндашувлар мавжуд. М.Портернинг фикрича, кластернинг вужудга келиши кўп ҳолларда хомашё ресурсларини олиш имконияти бўлган жойлар билан боғлиқ бўлади, муҳим технологик инновациялардан фойдаланувчи фирма ва тадбиркорларнинг маълум бир жойда тўпланиши сабаб бўлиши мумкин. Пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кластернинг ядроси ҳисобланади. Шу ядро атрофида кейинчалик махсус таъминотчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар барпо этилади. Кейинчалик кластерни ривожлантириш маркази, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан узаро ҳамкорлик, кластерга хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналар пайдо бўлди. Кластерни шакллантириш бўйича халқаро тажрибага кўра, бошида бир ёки бир неча йирик корхонадан иборат саноат зонаси ташкил этилади. Бу эса маълум даражада инфратузилма элементлари ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришлар барпо этилишига сабаб бўлади.

Кластернинг устун томонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- трансакцион харажатларни камайтиришга олиб келади (ресурсларни бирлаштириш натижасида);
- синергия самараси вужудга келади;
- инновацияларни ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашади.

КСЗларда кластерни ташкил этиш қуйидаги шартларнинг бажарилишини талаб этади:

- кооперацион алоқага эга ва интенсив ривожланишдан манфаатдор КЎБ корхоналарининг мавжудлиги.
- тор ихтисослашувга эга ва аутсорсинг бўйича айрим ишларни қабул қилиш имкониятига эга кичик бизнес мавжудлиги.
- ҳудудда илмий база ва маълум малакага эга ишчи кучини ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлиги.
- инновацион ишлаб чиқариш инфратузулма: бизнес-инкубатор, кластерни ривожлантириш маркази.
- маҳаллий ҳокимият органида КСЗни стратегик ривожлантириш режаси мавжудлиги.

Шуни айтиш керакки, барча давлатлар учун кластерни барпо этишнинг ягона унификациялашган механизми мавжуд эмас. Демак, ҳар бир ҳудуд учун кластерни барпо этиш бўйича асосланган дастур ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон шароитида КСЗларда кластерни ташкил этиш босқичларини келтирамиз:

1. Давлатнинг КСЗни стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқариладиган якуний маҳсулот турини аниқлаш (кластер ядросини аниқлаш).

2. Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий корхоналарни ва оралик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни аниқлаш, асосий корхоналар сифатида ўрта бизнес субъектлари бўлиши мумкин..

3. Аутсорсинг бўйича ишларни қабул қиладиган кичик бизнес таркиби ва ишлар турини аниқлаш.

4. Ҳудудда ташкил этиладиган инфратузулма объектларини аниқлаш.

5. Кластерни ривожлантириш марказини тузиш (инновацион марказ тузиш ва илмий тадқиқот институтлари ва университет билан алоқа ўрнатиш).

Кластернинг шаклланиши учун давлат томонидан керакли шарт-шароитлар яратилиши муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида текстил соҳасида, чарм-пойафзал, мева-сабзавот соҳаларида, маиший ускуналар (сув ва газ ўлчагич приборлар) ва автомобиллар учун ҳар-хил қисмлар ишлаб чиқариш бўйича КСЗ ларини барпо этиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишда ҳам КСЗлари муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 29-декабрь 2020 йилдаги Мурожаатномаси.

3. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Маънавият”. -2021. -Б.12-56.

4. Беркинов Б.Б., Эргашходжаева Ш.Дж. Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий-услубий асослари. –Т.: “FAN VA TECHNOLOGIYA”, 2017. -236 б.

5. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учебник. – Т.: “Иқтисодиёт ва молия”. 2008. -340 с.